Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 112 (20. 979) 1991 йил 13 июнь, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси

Суратларда: 1. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов сессияда нутқ сўзламоқда. 2. Овоз бериш натижаси кўзгуси. 3. Депутатлар рўйхатдан ўтишмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ («Совет Ўзбекистони»), **Р. ЖУМАНИЕЗОВ** ва **Р. НУРИТДИНОВ** (ЎзТАГ) олган суратлар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мажлиси тўғрисида ахборот

12 июнь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси иш бошлади.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров очди.

Сессия қатнашчилари депутатлар А. А. Алимов (381-Димитров сайлов округи), Х. Сержонов (489-Шўрахон сайлов округи), А. Мўминов (145-Комсомолобод сайлов округи) хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида мандат комиссиясининг раиси Ш. М. Мирзиёев маъруза қилди. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига мувофиқ Олий Кенгаш Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Коммунистик районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси А. Г. Машахановнинг (100-Бордонкўл сайлов округи), Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаевнинг (401-Темир йўл сайлов округи), халқ депутатлари Андижон вилоят Советининг раиси, Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби К. Ҳ. Ҳолмирзаевнинг (145-Комсомолобод сайлов округи), Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгашининг Раиси, Ўзбекистон Компартияси республика комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшетовнинг (489-Шўрахон сайлов округи), Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат Комиссиясининг раиси Ш. М. Йўлдошевнинг (381-Димитров сайлов округи) ваколатларини тўғри деб топди.

Олий Кенгаш сессиянинг кун тартибини тасдиқлади. Депутатлар қуйидаги масалаларни муҳокама қилишни белгиладилар:

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иш тартибининг лойиҳаси тўғрисида.

«Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисида»ги шартноманинг лойиҳаси ҳақида.

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

Ўзбекистон ССР ҳукумати табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар ҳақида.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

«Ўзбекистон ССР давлат солиқ идоралари тўғрисида»ги Низом лойиҳаси ҳақида.

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Ўзбекистон ССР кодексига;

Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига;

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунига;

Ўзбекистон ССР фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонунларнинг лойиҳаси хусусида

«Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

«Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

«Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

«Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида.

Ўзбекистон ССР давлат ҳакамлиги идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида.

«Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида

«ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида.

Ўзбекистон ССРнинг баъзи қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

«Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши мандат комиссияси ва комитетлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий судининг раисини сайлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Депутатлар айрим бошқа масалаларни ҳам муҳокама қиладилар.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

У ўз нутқида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига тўхталди. Ҳозир, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини, айниқса унинг камбағал табақаларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бериш зарур. Ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, юксак унумли меҳнат учун қулай шарт-шароит яратиш иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча резервларини ишга солиш, ҳамма ерда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш керак.

Ҳозирги шароитда республика Иттифоқдан ташқарида ривожлана олмайди, деб таъкидлади Президент. Ўзбекистон — тенг ҳуқуқли давлатлар Иттифоқи тарафдоридир, бу давлатларнинг иқтисоди ва сиёсий мустақиллиги мустаҳкам бўлиши керак. И. А. Каримов ўз нутқида республикада рўй берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш масалаларига катта эътибор берди, иқтисодиётни ривожлантиришнинг белгиланган дастурини амалга ошириш учун бутун халқнинг куч-ғайратларини бирлаштириш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам зарур эканлигини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. М. И. Иброҳимовнинг соғлиғи ёмонлиги туфайли уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоси қондирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат Комиссияси Раиси бўлиб ишлаган Ш. М. Йўлдошев яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси этиб сайланди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари вазири бўлиб ишлаган А. М. Муталовни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари этиб тасдиқлади.

Т. А. Алимов Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раиси вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Қурилиш, меъморчилик, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш комитети раиси бўлиб ишлаган А. Ш. Хабибуллаев Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раиси этиб тасдиқланди.

Олий Кенгаш А. С. Моргасовнинг бошқа ишга ўтиши муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги аризасини қондирди. Республика Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Г. А. Алиев Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР давлат ҳакамлиги идораларини Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Р. А. Ҳачатуров унинг раиси этиб тасдиқланди.

Олий Кенгаш У. К. Мингбоевни Тошкент шаҳар суди раиси вазифасидан озод қилиб, уни Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси этиб сайлади.

Депутатлар рўйхатдан ўтиш ва овоз бериш ҳақида ахборот ва овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланишди.

Сессия ўз ишини давом эттиради.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Шавкат Муҳитдинович Йўлдошев Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари **Б. БУГРОВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Муҳитдинович ЙЎЛДОШЕВ



Шавкат Муҳитдинович Йўлдошев 1943 йилда туғилган, ўзбек, 1973 йилдан КПСС аъзоси, Москва энергетика институтини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган. Иқтисод фанлари номзоди. Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Намангандаги «Пятилетка» ип йигириш-тўқув фабрикасида чилангар-таъмирловчиликдан бошлади. 1969 йилдан 1974 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Электроника институтида катта инженер, «Электротерм» Ўзбекистон ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводида уста, цех бошлиғи, Намангандаги электромеханика устахоналарининг бош муҳандиси, «Намангансвет» ишлаб чиқариш корхонасида директор бўлиб ишлади.

1974 йилдан бошлаб партия ва совет ишларида — Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят қўмитасининг инструктори, бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири, халқ депутатлари Совет ноҳия Совети ижроия қўмитасининг раиси, халқ депутатлари Наманган вилоят Совети ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Наманган шаҳар қўмитасининг биринчи котиби лавозимларида ишлади. 1985—1987 йилларда КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимида инструктор, 1987 йилдан бошлаб Сирдарё вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби, 1988 йилдан бошлаб Фарғона вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1990 йилдан бошлаб эса айни бир вақтда халқ депутатлари Фарғона вилоят Советининг раиси лавозимида ҳам ишлади. 1990 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат Комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Ўртоқ Ш. М. Йўлдошев СССР халқ депутати ва КПСС Марказий Назорат Комиссияси Раёсатининг аъзосидир.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ М. И. ИБРОҲИМОВ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ М. И. Иброҳимовнинг соғлиғи ёмонлиги туфайли Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари **Б. БУГРОВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 июнь.

БЕШИНЧИ ДОВОН

Кеча Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг V сессияси иш бошлади. Сессия кун тартибига йигирмадан ортиқ катта-кичик масалалар киритилган. Айниқса, Иттифоқ шартномаси, Ўзбекистон ССР да ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари, кооперация, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги масалаларни депутатлар қизғин муҳокама қилишлари кутилмоқда. Махсус мухбиримиз О. НАЗАРОВ бир неча депутат билан учрашиб, уларнинг мулоҳазаларини ёзиб олди.

Ҳамкорликда зийраклик керак

Жамолиддин ПОЛВОНОВ, 434-Бўстон сайлов округидан депутат, Риштон районлараро қурилиш бошқармаси бошлиғи:

— Сессия кун тартибига қўйилган масалаларнинг ҳаммаси ҳам муҳим. Аммо шахсан мени, айниқса, чет эл инвестициялари, Иттифоқ шартномаси, жумҳуриятда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги масалалар кўпроқ қизиқтиради. Масалан, республикамизга чет эл капиталининг кириб келиши, ўйлаймаки, ўлкамиз саноати, иқтисодиётининг ривож топишига яхши таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, табиийки, маҳсулотлар сифати ҳам анча яхшиланади. Бироқ биз хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилар эканмиз, ўз мавқеларимизни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Негаки, капиталист фойда кўрмаса, ҳеч қачон ҳамкорлик қилмайди. Бундан ташқари, хорижий капиталнинг кириб келиши билан жумҳуриятимизда муайян муддат ишсизлик муаммосининг кучайиш эҳтимоли бор. Биз бунга тайёр бўлишимиз, олдини олиш чораларини кўришимизга тўғри келади. «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунни қабул қилишда, назаримда, ана шу жиҳатларни пухта ҳисобга олиш даркор.

Ўзгаришлар бўлиши тайин

Тоҳиржон РЕЖАПОВ, 129-Кўмакай сайлов округидан депутат, Олтинкўл районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги ишчилар бригадаси бошлиғи:

— Иттифоқ шартномасининг энг янги лойиҳаси «Мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисида» деб номланаётгани, унда жумҳуриятларнинг ҳақ-ҳуқуқлари янада кенгайтирилиб, марказ тасарруфига эса асосан мамлакат мудофааси, армия, давлат хавфсизлиги, космик тадқиқотлар, жумҳуриятлараро алоқаларни мувофиқлаштириб туриш каби бутун мамлакат тақдири билан боғлиқ масалалар берилаётгани кўпчилик депутатларимизда қониқиш туйғусини уйғотди. Зеро, бу республикамизнинг Мустақиллик тўғрисидаги декларацнясига ҳам мос келади. Қолаверса, мамлакатдаги барча жумҳуриятлар бир-бири билан иқтисодий жиҳатдан чамбарчас боғланган. Эски шартноманинг амал қилмай қўйганлиги ва янгисининг ҳали имзоланмаганлиги халқ хўжалигини оғир аҳволга солиб қўймоқда. Буни биргина бизнинг жамоа хўжалигимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир хўжаликда қурилиш ишларини амалга ошира олмаяпмиз. Чунки, анчадан бери қурилиш материаллари келмай қўйган. Илгари эса давлат режасига мувофиқ келтириб турилларди. Газлаштириш режасини, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёр қилиб қўйганмиз-у, лекин қувур йўқ, маблағ йўқ. Мева-чева, сабзавот маҳсулотларимизни марказ билан айирбошлаш учун ҳам имкониятлар чегараланган. Шу боисдан бошқа жумҳуриятлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар тезроқ янги Иттифоқ шартномаси асосида йўлга қўйилса, мамлакат, жумладан жумҳуриятимиз иқтисодиётида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлиши тайин.

Республикамизда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуннинг ниҳоятда пухта ўйлаб ва чуқур муҳокама қилиб қабул қилиниши эса, умид қиламанки, яқин орада ўзбек деҳқони ўз пахтасининг муайян қисмини Марказсиз бевосита ўзи хорижга чиқариб сотишига имкониятлар очади. Зотан, биз чет эл билан мол айирбошлаш, савдо-сотиқ қилиш ишини ўрганишимизга аллақачон вақт етди. Жаҳон бозорида эса пахта, пилла, жун, мўйна ва бошқа хом ашёларнимизнинг қадри ҳамон баланд.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Жумҳурият деҳқончилик-саноат комплексида анчагина илмий салоҳият тўпланган. 37 та илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ташкилотида ва аграр йўналишдаги 4 та олий ўқув юртида қишлоқ хўжалиги муаммолари тадқиқ этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини илмий жиҳатдан таъминлашнинг мавжуд тузилмаси, жумҳурият ҳудудида жойлашган илмий муассасаларнинг идораларо тарқоқлиги, ягона мувофиқлаштириш марказининг йўқлиги жумҳурият қишлоқ хўжалик фани имкониятларидан самарали фойдаланишга йўл қўймаяпти.

Жумҳурият Президенти Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси аграр соҳа илмий муассасалари ва олий ўқув юртларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишланмаларини мувофиқлаштириб боришни таъминлаши керак. Аграр фаннинг барча кучларини тупроқ унумдорлигини ошириш, биотехнология, ғўза ва бошқа экинлар селекцияси муаммоларини ишлаб чиқишга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, меҳнат ва сув ресурсларини тежашни таъминлайдиган юқори самарали технологияларини яратишга қаратиш қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг энг муҳим вазифасидир.

Қишлоқ хўжалик фанининг, бинобарин ишлаб чиқаришнинг келажаги кўп жиҳатдан кадрлар тайёрлаш даражасига боғлиқ. Аграр соҳа илмий муассасаларида бу хусусда ҳам кўпгина ҳал этилмаган муаммолар тўпланиб қолган.

Академиянинг ташкил этилиши юқори малакали кадрлар — тадқиқотчиларнинг илғор усулларини ўзлаштириб олган фан докторлари ва номзодларини тайёрлашни яхшилаш имконини беради.

Академия доирасида олимларнинг илмий тавсияларни натижадорлик билан жорий этиш, фан, техника ютуқлари ва илғор тажрибадан жумҳурият жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари амалиётида тўла фойдаланишлари учун барча шароит яратилади.

(Ушбу Фармон рўзномамизнинг 12 июнь сонида эълон қилинган).

РАЙОН ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИГА ТАЯНИБ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш

11 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шаҳар, район партия комитетлари биринчи котиблари билан кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошқарди.

Кенгашда таъкидландики, нисбатан барқарорликка қарамай, жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазият кескинлигича қолмоқда. Таркиб топган мувозанатни бузишга уринишлар тўхтамаяпти. Нарх оширилиши муносабати билан аҳолининг ўз аҳволидан норозилиги кескин кучайганлигидан айрим сиёсийлашган гуруҳлар эҳтиросларни авж олдириш, митинглар ўтказиш, фуқаролар бўйсунмаслиги оммавий тадбирларини ўтказиш учун фойдаланмоқда.

Сўнгги вақтда жумҳуриятнинг иқтисодий аҳволи анча чигаллашди, Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг 1991 йил учун тузилган иқтисодий битимни, айниқса унинг бюджетни шакллантириш қисмини сурункасига бажармаётганлиги сезиларли зарар етказди. Нарх оширилиши муносабати билан белгиланган энг муҳим ижтимоий дастурлар, компенсация тўлаш чоралари барбод бўлиш хавфи остида қолди. Ташқи омиллар билан бир қаторда май ойининг ўрталарида жумҳуриятнинг кўпгина минтақаларида об-ҳавонинг ноқулай келиши вазиятни жиддий равишда кескинлаштириб юборди.

Ана шундай шароитда кўпгина партия комитетлари ғайрат ва қатъият билан ишламоқда, бу эса уларга вазиятни назорат қилиб туриш, меҳнат жамоаларининг барқарор ишлашига сезиларли ижобий натижаларга эришишга имкон бермоқда.

Бироқ ҳамма жойда ҳам иш ана шундай эмас. Мураккаб вазиятда баъзи бировлар ўзини йўқотиб қўйди. Баъзилар ҳокимият ваколатларини Советларга ва уларнинг ижро этувчи органларига топшириш баҳонаси билан ижтимоий-сиёсий вазиятга таъсир ўтказишдан, ўз шаҳарлари ва районларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишдан умуман ўзларини четга олдилар. Бир қанча партия комитетларида кадрлар билан аниқ шуғулланмай қўйдилар, уларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юбордилар. Иқтисодиётдаги маълум ўпирилишларнинг, бир қанча минтақаларда бекарорлаштирувчи омилларнинг таъсири кучайганининг сабаби ҳам ана шунда.

Ҳозирги пайтда Компартиянинг таянч бўғини — шаҳар ва район комитетлари аниқ, ташаббускорлик ва ҳужжмкорлик билан ҳаракат қилиши айниқса зарур. Вазият улардан барча соҳаларда сиёсий усуллар билан юксак интизом ва уюшқоқликни таъминлашни, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари изчиллик билан ҳал этилишига эришишни тақозо қилмоқда. Улар меҳнат жамоаларида ва аҳоли орасида ўз таъсирини қатъият билан мустаҳкамлаши лозим. Бунда шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи раҳбарлари намуна кўрсатишлари лозим.

Табиий офат оқибатларини тугатишга алоҳида эътибор бериш керак, деб таъкидланди кенгашда. Етказилган зарарнинг ўрнини тўлдириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик, жабрланган аҳолига ҳақиқий ёрдам бериш учун сира кечиктирмай ҳамма ишни қилиш зарур.

Ҳар бир район, шаҳар партия комитети ҳозир ўзининг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган тангликка қарши ва барқарорлаштириш чораларининг аниқ дастурига эга бўлиши керак. Дастур ишларнинг аҳволини батафсил таҳлил этишга асосланган бўлиши ҳамда мустаҳкам хўжалик алоқаларини йўлга қўйишни, корхоналар ва ташкилотлар молиявий аҳволини мустаҳкамлашни кўзда тутиши даркор. Деҳқончилик-саноат комплекси хўжаликларини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, капитал қурилишдаги аҳволни барқарорлаштириш масалалари алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан оқилона таъминлаш, янги иш жойларини барпо этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари билан муфассал шуғулланиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Умуман иқтисодиётда ишнинг аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар партия комитетлари одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим. Биринчи навбатда ижтимоий жиҳатдан нозикроқ бўлган пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оналар, болалар, ўқувчилар ва талаба ёшлари, маош ҳисобига яшайдиган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш керак.

Бу сиёсат ҳамда уни ривожлантириб қабул қилинган қарорлар изчиллик билан амалга оширилиши жойлардаги партия комитетларининг бош вазифасидир. Бу соҳада энг қаттиқ назорат, раҳбарлардан энг қаттиқ талаб, ҳали кўп учраб турган ижтимоий адолатни бузиш, одамларга нисбатан расмиятчилик билан тўраларча ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолларига қатъий чек қўйиш зарур.

Шу билан бир қаторда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг ички заҳираларини фаол қидириб топиш ва жалб этиш зарур. Хўжаликлар, саноат корхоналари мактабларни оталиққа олиши, кам таъминланган оилаларга уларнинг маблағидан нафақа тўлаш, ногиронлар ва кексаларни парваришлаш учун шафқат ҳамшираларига маош тайинлаш, меҳр-мурувват тадбирлари ана шундай заҳиралардир.

Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Партия, совет ва хўжалик идоралари ишларни ажратилган ер участкаларидан тўла фойдаланиладиган, етиштирилган маҳсулот эса нобуд қилинмай тўла-тўкис меҳнаткашлар дастурхонига тушадиган қилиб ташкил этишлари лозимлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги аризаларга, ёрдамчи томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотга қўйишда уларнинг ҳар бирига ёрдам бериш керак. Бошланғич партия ташкилотлари ижтимоий аҳамиятга молик аниқ масалаларни ҳал қилишни ўз зиммаларига олишларига, одамлар манфаатларининг фаол ҳимоячилари бўлишларига, тўрачилик кўринишларига, суиистеъмолларга, ижтимоий адолат қоидалари бузилишига қарши қатъият билан курашишларига эришмоқ лозим.

Партия интизоми даражасини ошириш, коммунистларга нисбатан уларга топширилган иш соҳаси учун талабчанликни кучайтириш лозим бўлади. Янги шароитда хўжалик юритишнинг кўникмаларини ўзлари ҳам эгаллашлари ва бунда раҳбар коммунистларга ёрдам беришлари, уларда ишбилармонликни, билимдонликни, ишни энг кўп фойдани кўзлаб юритиш маҳоратини тарбиялашлари талаб қилинади.

Коммунистларнинг бир қанча ташкилотларда сақланиб қолган партия сафидан ўз ихтиёри билан чиқиш тамойилини чуқур ўрганиш, уларга принципиал сиёсий баҳо бериш керак. Тугатувчилик ва мағлублик кайфиятларига берилган кишилар билан яккама-якка иш олиб боришни кучайтириш, ўз сиёсий позициясини белгилаб олишда уларга ёрдам бериш лозим. Шу билан бир вақтда партия сафидан чиқиш айрим коммунистлар учун улар содир этган ҳуқуқбузарлик ва суиистеъмоллар учун жавобгарликдан қутилиб қоладиган қулай тирқишга айланишига йўл қўймаслик керак.

Партия сафига якка тартибда танлаб олиш чоғида кўпроқ талабчан бўлиш, партия ташкилоти таркиби энг принципиал, сиёсий етук ва фаол кишилар билан тўлдирилишига қўмаклашмоқ зарур.

Кенгаш район ва шаҳар партия комитетлари фаолиятининг яқин келажакдаги асосий йўналишларига доир кенгайтирилган тавсиянома ишлаб чиқди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари қатнашдилар.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИ УЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАРИГА ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА АЖРАТМАЛАРИ ҲИСОБИДАН ТЎЛАЙДИГАН ТЎЛОВЛАРДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Нарх ислоҳоти муносабати билан деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари ва ташкилотларининг қўшимча харажатларини қоплаш мақсадида **қарор қиламан:**

СССР Президентининг «1991 йилда иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини барпо этиш тўғрисида»ги 1990 йил 29 декабрь Фармони (СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Кенгаши ахборотномаси, 1991 йил, 1-сон, 54-модда) қисман ўзгартирилиб, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари ва ташкилотлари улар иқтисодиётни барқарорлаштириш Бутуниттифоқ бюджетдан ташқари жамғармасига ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобидан тўлайдиган тўловлардан 1991 йил 1 июлидан бошлаб озод қилинсин.

Иттифоқдош жумҳуриятларга иқтисодиётни барқарорлаштириш жумҳурият жамғармаларига тўловлар юзасидан шундай имтиёзлар белгилаш тавсия этилсин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 11 июнь.

● Мана, олти йилдирки, Ўзбекистоннинг Қувасой ва Қирғизистоннинг Қизилқия шаҳарлари фуқароларининг дўстлик байрамлари мунтазам ўтиб турибди. Бу яхши анъанага айланди. Яқинда Қувасой шаҳрида яна шундай тадбирлардан навбатдагиси — Қизилқия куни ўтказилди. Шаҳардаги маданият ва истироҳат боғида, кўчалар ва майдонларда шу тадбирга бағишланган катта тантана, учрашув ва сайллар бўлди. Бунда ўзбек, қирғиз ва рус тилларида жозибали шеър ва қўшиқлар янгради, полвонлар ва қизиқчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Суратда: тантана иштирокчиларидан (чапдан ўнгга) қувасойлик Гулнора Кенжаева, Қизилқия фахрийларининг раиси Фарид Нурғалиев, Қаҳрамон она Зебихон Ашурова ва Қувасой шаҳар маданият бўлимининг мудири Ойша Ҳакимовалар.

Ш. АЛИМОВ олган сурат (ЎзТАГ).

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР ЭКОЛОГИЯСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

12 июнь куни Тошкентда очилган республикаларо илмий-амалий конференция қатнашчилари кон корхоналарида экология-технология вазифаларини ҳал этиш йўлларини муҳокама қилишмоқда. Конференцияга Ўзбекистон, Россия, Украина, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, хуллас, кон корхоналари бўлган барча минтақалардан келган олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари тўпланишди.

Фойдали қазилмалар олинадиган ерларда ер ости газлаштириши ва кўмирни биоконверсиялаш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экология муаммоларини ҳал этишни компьютерлаш муаммолари — олимларнинг бу ва бошқа ишланмалари конференцияда муҳокама қилинибгина қолмасдан, айни вақтда уларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш ҳам таклиф этилади. (ЎзТАГ).

• Навоийдаги июнь воқеалари:

● **Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов икки кун мобайнида Бухоро вилоятида бўлди. У меҳнат жамоаларига бориб, саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларининг меҳнатчилари билан суҳбатлашди, уларнинг турмуш шароити билан қизиқди.**

1.

ШАҲАР ва унинг атрофидаги районлар аҳолиси Президентнинг Бухоро вилоятига келишини «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 3 ва 6 июнь кунлари юз берган воқеа билан боғлиқ деб ўйладилар. Лекин бундай эмас. Жумҳурият Президенти бу вилоятга келишни апрель ва май ойларидаёқ режалаштирган эди. Аммо унинг сафари ана шу можародан кейинги вақтга тўғри келди.

...Бу йил навоийликларнинг омади келмаяпти. Икки марта бўрон бўлиб дарахтларни қулатди. Қишлоқ хўжалик экинларига шикаст етказди. Сўнгги воқеалар — 3 ва 6 июндаги можаролардир.

Ҳозир кимлардир бу можароларни миллатлараро заминда чиққан деб ҳисоблашга уринмоқда, қарамақарши туриш вақти келаяпти, деб шошма-шошарлик билан хулоса чиқармоқда. Навоий шаҳри ва атрофдаги районларда атайлаб миш-миш тарқатиб вазиятни кескинлаштирётган, одамларни чўчитаётган кишилар йўқ эмас. Лекин кўпчилик бундай уйдирмаларга ишонмайди, уларни қатъиян қораламоқда. Шунга қарамай, юз берган воқеа пухта таҳлил этишни талаб қилади. Президент тузган нуфузли комиссиялар ҳозир шу иш билан шуғулланмоқда. Улар ўз хулосасини айтади. Шунга қарамай, вазият кескинлашганлигининг асосий сабаблари ҳозироқ равшан.

ОДДИЙ бир вазият «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида можаро чиқишига расмий сабаб бўлди. Навоийдаги жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўлинмаси командири машинасини ҳайдовчи бирлашма кекса ходиминнинг машинасига сал тегиб кетди. «Кечиринг» дейиш билан можаро тугаши мумкин эди. Лекин, афсуски...

«Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқармасининг биноси олдида 3 ва 6 июнь кунлари юзлаб кишилар рухсат олинмаган митингга тўпландилар. Улар бир қанча талабларни ўртага қўйдилар. Бу талаблар орасида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, экология жиҳатидан зарарли ишлаб чиқаришларни ёпиб қўйиш, зарарли чиқиндиларни шамол элтадиган қишлоқларда яшовчиларга товон тўлаш каби талаблар бор. Ишончим комилки, кимлардир бу митингни Фарғона ва Намангандаги воқеаларга ўхшаш воқеага айлантиришни хоҳлаган. Митингни ўтказиш кунлари ҳам ўйлантириб қўяди. Чунки 1989 йил 4 июнда Фарғона фожиаси бир йил кейин Ўш воқеалари бошланган эди... Навоийда кимларнингдир ана шу ниятлари амалга ошмай қолди. Амалга ошиши ҳам мумкин эмасди. Чунки одамлар юз берган вазиятни тезда тушуниб олдилар ва зарур чораларни кўрдилар.

Можаро сабабларини англаб етиш учун маълумотларни келтирамиз. Навоий каби саноат маркази йўқ деса бўлади. Бу ерда «Навоиазот» кон-металлургия комбинати, қурилиш бошқармаси, цемент заводи, электрохимия комбинати каби ва бошқа йирик корхоналар жойлашган. Улардан ҳар бирининг обороти миллионлаб сўм билан ўлчанади, уларнинг ҳаммаси фақат жумҳурият эҳтиёжи учун эмас, балки бутун мамлакат эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб чиқаради. Ҳозирча етарли бўлмасада, шаҳар жумҳурият хазинасига салмоқли маблағ қўшмоқда. Бу масаланинг бир томонидир. Иккинчи томондан эса, 120 минг киши яшайдиган шаҳарнинг ноёб жиҳати шундаки, Навоий корхоналарида саксондан ортиқ миллат вакиллари ишлайди. Ўнлаб йиллар давомида улар ёнма-ён ишлаб, дўстлашиб кетишган. Шаҳарнинг чиройи ҳам буни тасдиқлайди. Хўш, кескинликнинг сабаби нимада? Бу унча жўн бўлмаган саволга кескинлик манбаларини яхши биладиган одамлар жавоб беришади.

Александр ГОРНОСТАЕВ, Навоий шаҳар Советининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати:

— Ишончим комилки, шаҳар ва унинг атрофидаги районлар аҳолисининг кўпчилиги вазият бу қадар кескинлашишини кутмаган. Ҳар ҳолда июнь воқеалари қонунийми ёки қонуний эмасми? Мен уларни қонуний, деб ўйлайман. Навоий шаҳри кўп йиллар давомида алоҳида вазиятда бўлди. Иттифоқ вазирликлари ва идоралари магазинларнинг пештахталари тақчил моллар билан тўла бўлиши, корхоналарнинг меҳнатчилари Қизилқумда яшаб ноқулайликни ҳис этмасликлари учун ғамхўрлик қилдилар. Мамлакатда иқтисодий вазиятнинг ёмонлашганлиги, айниқса, бизнинг шаҳримиз ва қўшни хўжаликларга оғир зарба бўлди. Агар жумҳуриятнинг бошқа вилоятларидаги одамлар олдин ҳам қийинчилик билан турмуш кечириб, аҳволнинг ёмонлашишига руҳий жиҳатдан тайёр турган бўлсалар, бу ерда жуда оғир ботди. Митингда қўйилган талабларга келганда эса уларнинг кўпи асослидир. Аммо «Навоиазот» дарвозаси олдига келган кишилар шаҳар корхоналари хўжаликларни ривожлантириш учун кўп иш қилаётганлигини билмаслиги мумкин эмас. Корхоналар водопровод тармоқларини ётқизишмоқда, газлаштиришмоқда, ижтимоий-маданий-маиший иншоотларни қурмоқда. Хуллас, турмуш даражасининг пасайиши, иқтисодий қийинчиликлар шунга олиб келдики, айбдорларни излаш бошланди...

Рустам ЙЎЛДОШЕВ, Навоий кон-металлургия комбинати партия комитетининг котиби:

— Июндаги кескинлик билан ўтган икки кун хусусида менинг ўз фикрим бор. Кимлардир иқтисодий бекарорликдан фойдаланиб, сиёсий обрў орттирмоқчи бўлаяпти. Бу ерда айтилган гаплар ўтакетган даражада ибтидоийдир: турмуш қийинлашдими — айбдорни қидир эмиш. Май ойида мен оталиқдаги хўжаликларда — «Коммунизм» жамоа хўжалигида ва «Нарпай» давлат хўжалигида бир неча марта бўлдим. Биз шу йилнинг ўзида қишлоқни ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш дастурига биноан яқин атрофдаги

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР

тўртта хўжаликка ёрдам бериш учун бир миллион сўмдан кўпроқ пул ажратдик. Водопровод ўтказяпмиз, йўл ётқизяпмиз, касалхона ва мактаб қуриш учун буюртма бердик. Қишлоқ аҳлига комбинатимиз профилакторийси ва пионер лагерларига имтиёзли йўлланмалар ажратяпмиз. Маҳаллий кишилар билан кўп гаплашдим. Уларнинг кўпчилиги саноат марказимизнинг аҳамиятини тўғри тушунади. Чунки шаҳарнинг иқтисодий базаси қанчалик қудратли бўлса, қишлоқ муаммолари ҳам шу қадар тезроқ ва самаралироқ ҳал қилинади. Бу, биринчидан. Иккинчидан эса шаҳар корхоналарида қишлоқдан келган минглаб кишилар меҳнат қилмоқда. Улар учун бу кафолатли иш, муқим иш ҳақи. Биз мустаҳкам ҳамкорликдан жуда манфаатдормиз. Сабзавот магазинларининг пештахталари бўшлиги, бозорда нархнавонинг баландлиги — шаҳар билан қишлоқни яқинлаштириш юзасидан пухта ўйланмаган дастурнинг оқибатидир. Бу ўринда ўзаро манфаатдорликсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бу хусусда иш олиб борилмоқда. Афсуски, ана шу ишнинг натижаларидан тор доирадаги кишиларгина хабардор. Аҳволдан қандай чиқиш мумкин? Шаҳарсиз қишлоқ яшай олмаганидек, шаҳар ҳам қишлоқсиз яшай олмайди. Ҳозир Навоий корхоналари экологияни соғломлаштириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун кўп маблағ ажратмоқда. Лекин бу маблағ сочилиб кетаяпти. Яқин атрофдаги хўжаликларга моддий ёрдам беришнинг ягона шаҳар дастури, ягона жамғармаси бўлиши керак. Республика Президенти ҳам шундай деб ҳисобламоқда.

Навоий шаҳрида вазиятнинг кескинлашишига олиб келган умумий сабаблар ана шулардир. Бироқ умумий масалалар айрим масалалардан таркиб топади, айрим масалалар эса баъзан ҳал қилувчи роль ўйнайди. Навбатдаги мақолада шу ҳақда гап боради.

Л. ЛЕВИН, ЎзТАГ махсус мухбири. Бухоро—Навоий—Тошкент.

ТИЛ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

ТАРИХИМИЗНИ ЧУҚУРРОҚ ЎРГАНАЙЛИК

Ўтмишни, маданий тарихимизни ўрганиш биз ёшларнинг эзгу ишига айланиб бормоқда. Айниқса, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши билан аллодларимизнинг маданий меросини ўрганишга қизиқиш янада ортди. Афсуски, ўтмиш меросини ўқиш ва билиш учун эски ўзбек тилини билишимиз зарур.

Ўрта мактабда «Ўзбекистон тарихи» фанидан бор-йўғи 18 соат таҳсил олганмиз. Шу 18 соат ичида неча асрлик тарихга эга аждодларимиз тарихини ўзлаштириб бўладими? Мактабни тугатиб, Тошкент политехника олийгоҳига ўқишга кирдим. Бу ерда ҳам КПСС тарихи ва бошқа фанларни чуқур ўзлаштирамизу, лекин ўзбек халқи тарихи, унинг тили, бой маданий мероси ҳақида кам ўрганамиз. Истардикки, ўзбек тили ва Ўзбекистон тарихи олийгоҳларда батафсилроқ ўтилса. Ҳозирги кунда олий маълумотли бўла туриб, соф тилимизни яна қайта ўқишга тўғри келяпти. Олийгоҳларнинг ўзбек гуруҳларида машғулотларни ўзбек тилида олиб боришга эътибор янада кучайтирилиши айни муддаодир.

Ш. МИРЗАЕВ, талаба.

●

«ШАРЛОВУҚ» ДЕБ АТАЛСА...

«Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 24-моддаси қуйидагича баён қилинган: «Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жуғрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика Давлат тилида ёзилади».

Қонун чиққанига бир йилдан зиёд вақт ўтса ҳам «Дружба» шаҳрининг тарихий номи тиклангани йўқ. Дружба шаҳри илгари «Шарловуқ» номи билан юритилган. Овул 1932 йилда ташкил топиб, бу ерда ғалла тайёрлаш ва сақлаш, пахта қабул қилиш пункти, давлат кемачилик пристани очилган. 1976 йилдан эса шаҳар типидаги «Шарловуқ» посёлкаси «Дружба» деб атала бошланди.

Қадимдан бу ерларда аҳоли яшамасдан олдин ҳам Шарловуқ номи мавжуд бўлган. Ёшлиги кемачилик билан ўтган қарияларнинг айтишича, дарё суви шитоб билан ҳайқириб, шу ерга етганда, соҳилга урилиб, шиддат билан ортга қайтаркан. Натижада кучли шовқин ҳосил қилиб, шарлама беш-олти чақирим наридан ҳам бемалол эшитилиб турган. Шу-шу гирдоб «Шарловуқ» деб ном олган экан. «Шарловуқ» кемачилик пристанининг ташкил топиши кўплаб уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қурилиши натижасида аҳоли ёппасига кўчиб келиб, шу ерга ўрнашиб қолган.

Истардикки, «Шарловуқ» номи яна қайта тикланса. Чунки бугунги кунда ўтмишни, маданий тарихни ўрганиш энг муҳим вазифаларимиздан бирига айланмоқда. Агар шундай қилинса, «Шарловуқ»нинг тарихий номи сақланиб қолади ҳамда шаҳарнинг сув бўйида жойлашганлиги, азим Амударёнинг бир вақтлар шиддат билан шариллаб оққанлиги ёдга тушарди.

А. МАҲМУДОВ,

●

ҚОШ ҚУЯМАН ДЕБ...

Ўзбек тилига Давлат мақоми берилиши муносабати билан жумҳуриятимизда кўп хайрли ишлар амалга оширилятпи. Лекин бу тадбир жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида ҳам бирдек амалга ошяпти деб бўлмайди.

Узоққа бормай, Тошкент шаҳрининг ўзидан мисоллар қидирайлик. 5-болалар шифохонасидаги аҳволни кўриб дилингиз ранжиши турган гап. Қабулхона, тоза боғламхона, шикастпарвар қабулхонаси, кўзпарвар қабулхонаси, кўзпарвар боғламхонаси, гипсхона, йирингли боғламхона, ҳўқнахона, болапарвар қабулхонаси, ҳордиқхона, асбобпарвар қабулхонаси, тиш даволайдиган хона... Бундай «хона», «парвар»ларнинг чеки йўқ. Агар ҳар бир ташкилот, корхона ўзига тегишли терминларни бошбошдоқлик қилиб ўзбек тилига ана шу тарзда таржима қиладиган, охир оқибат нимага олиб бориши ҳаммага аён. Яна «қош қўяман деб кўз чиқариб» қўймайлик.

Ш. Худойбердиева, Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси.

* * *

Тил ҳақидаги Қонун жойларда ҳамон суст амалга оширилаётгани ҳақида рўзномамизга кўплаб шундай мактублар келмоқда. Муштарийларимиздан Н. Ражабов, Т. Чориев, Қ. Тўланов, Н. Шаропов, Л. Жалолов, А. Каримов, А. Шодмонов, Ҳ. Болтаев, Х. Тожиматов, Т. Акбаров, Ҳ. Юсупов, А. Марков, Т. Аҳмадшоев, Р. Солиев, Қ. Қалмирзаев, А. Асроров, Н. Тоғаев, Қ. Ҳамдамов, З. Тиллаев, Т. Асатовлар ҳам ана шу мавзуларда фикр-мулоҳазалар билдирилган хат-хабарлар йўллашган.

ШУ СОНГА ХАБАР

НОН ҲАММАГА ЕТАДИ!

● **Тошкентдаги баъзи районларнинг аҳолиси ташвишга тушиб қолди: шаҳар дўконларига нон ўз вақтида келтирилмаяпти, узилишлар бўлаяпти, сотувчилар қачон ва қанча миқдорда батон, буханка, ёпган нон олиб келишларини аниқ айтиб беролмаяптилар. Ун етишмаётганлиги ва нонга ҳам норма белгиланиши ҳақида гаплар бўлаяпти. Муштарийларнинг кўпдан-кўп телефон қўнғироқлари ва ҳамкасбларимизнинг шу ҳақдаги саволларидан сўнг ЎзТАГ мухбири А. Безверхов «Тошкентхлебпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. О. ОТАЕВга мурожаат этди. У бундай деди:**

— Кейинги кунларда бизнинг нон маҳсулотларимизга талаб анча кучайди. Лекин бунинг ҳақиқий сабабини айтиб беришим қийин. Чунки, одатда ёз фаслида одамлар нонни кам сотиб олишарди. Айни вақтда биз нон-булка маҳсулотлари пиширишни анча кўпайтирдик. Ўтган йилнинг июнида Тошкент нон заводлари бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 330 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ҳозир у 480 тоннага етди. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси амалда сотиб бўлинмоқда. Бир кеча-кундузда атиги 10—12 тонна нон маҳсулотлари қолаяпти. Печларимизни кечаси фақат 3—4 соатга тўхтатмоқдамиз.

Аҳолини нон билан таъминлашда узилиш бўлаётганининг сабабини шу ердан излаш лозим. Чунки аввалгига нисбатан 150 тоннага яқин нон кўп тайёрланяпти. Дўконларга нон ташийдиган махсус автомашиналар етишмайди, улар жадвал асосида ишлашга улгуришмаяпти. Бунда транспортчиларнинг айби йўқ — уларнинг имконияти чекланган. Ваъзан дўконлар нонни қабул қилишдан бош тортадиган ҳоллар ҳам бўлади. Айниқса, сотувчилар уйга шошилаётган кечки пайтда шундай бўлади.

Ун ёки ноннинг етишмаслиги ҳақида гапиришга ўрин йўқ. Ҳатто шу кунларда анча кучайган эҳтиёжимизни қондиришга ҳам етадиган унимиз бор. Нон ёпувчи корхоналарда резерв қувватларимиз мавжуд. Ҳозир биз 2-сонли нон заводини таъмирлаб бўлдик, уни яқин орада ишга туширамиз. Заводда турли навдаги нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади.

Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига бир маслаҳат беришим мумкин: мабодо қайси бир дўконда нон бўлмаса, 45-33-67 ёки 45-37-53 телефонлари орқали хабар қилинг. Бу «Тошкентхлебпром» бирлашмасининг марказий диспетчерлик пультидир. Шу заҳотиёқ чоратадбир кўрилади.

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида жамоат ташкилотларининг низомномалари рўйхатга олинди. Ўзбекистон корейслари, Ўзбекистон байналмилалчи жангчилари ва заҳирадаги жангчилар маданий марказлари уюшмалари, Афғонистон фахрийлари уюшмасининг республика бўлими, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон республика комитети, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси, республика «Тинбо» илмий-техника жамияти, Ўзбекистон ҳуқуқшунослар уюшмаси рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни олдилар.

Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бу ташкилотларга Ўзбекистон ССР адлия вазири М. М. Маликов тантанали вазиятда топширди. (ЎзТАГ).

УЧРАШУВ ЖОЙИ—БОШ ПАВИЛЬОН

● 18 июндан 22 июнгача Тошкентда республика ташқи савдо ташкилотлари, саноат корхоналари ва илмий-тадқиқот илмгоҳлари вакилларининг бир қанча чет мамлакатларнинг ишбилармонлари билан дастлабки амалий учрашуви бўлиб ўтади.

● «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» дастури кенг ва тиғиз. Учрашувда дунёнинг 42 мамлакатидан 500 га яқин фирма ва ташкилот вакиллари иштирок этиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, аниқроғи, унинг бош павильони республиканинг иқтисодий турмушида илк бор ўтказилаётган мана шу музокараларнинг асосий ҳаракат жойи бўлади,— деб ёзишади ЎзТАГ мухбирлари Л. Левин ва В. Пругер.

Бу ерда Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини тасвирлайдиган махсус кўргазмани очиш учун сўнгги пойёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Учрашув қатнашчиларининг фикрича, маҳсулот намуналари, янги технологиялар, ҳужжатлар билан танишув чет эллик ҳамкорларга ўзаро манфаатли шартномаларни пайсалга солмай тезроқ тузиш, қўшма корхоналар, ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳақида келишиб олиш имконини беради. Бу ишларнинг ҳаммасини шу ернинг ўзида, бош павильонда қилиш мумкин, бу ерда музокаралар ўтказиш учун бир неча махсус хосхоналар жиҳозлаб қўйилди, ахборот-тижорат марказининг иши йўлга қўйилади. Бу марказда чет эллик ишбилармон иқтисодий ва техникавий тусдаги ҳар қандай маълумотни, ҳуқуқий маслаҳатни олиши мумкин. Бундан ташқари, меҳмоннинг топшириғи билан марказ унинг учун ўзбекистонлик ҳамкорни излаб топишда воситачилик вазифасини ҳам ўтайди.

Бош павильоннинг икки қаватида республика саноати, деҳқончилик-саноат мажмуи, фани ва техникасининг истисносиз барча тармоқларига мансуб 80 тадан кўпроқ корхона ва ташкилот чет эллик харидорларга ўз молларини тақдим этади. Кенг ва рангдор кўргазма Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини намойиш қилади. Бу имкониятлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ. Бунинг сабаблари кўп: марказнинг ташқи иқтисодий фаолиятга танҳо ҳукмронлик қилиб, ташаббусни бўғиб қўйганлиги ҳам, қонунларнинг номукаммаллиги ҳам, ташқи бозорга чиқиш учун рағбатлантирувчи омилларнинг йўқлиги ҳам шу жумлага киради. Мамлакатдаги иқтисодий муносабатлар қайта қурилиши билан бу тўсиқлар тугатилмоқда, «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» қатнашчиларининг фаоллиги ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Бош павильон стендларида Ўзбекистон чет элга чиқариб келган ва жаҳон бозорида яхши таниш бўлган анъанавий моллар — пахта толаси, қоракўл тери, газламалар, минерал ўғитлар, кабеллар ва шу кабиларни ҳам, республикага валюта келтира оладиган молларни ҳам кўриш мумкин. Республика хом ашёдан, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидан ташқари ҳозир илм-фаннинг замонавий ютуқларидан фойдаланадиган маҳсулотларга, самарали технологияларга, химия, электр техника саноатининг чет эл бозори юксак талабларига мос келадиган молларига ҳам эгадир. Кўргазма билан қисқача танишувнинг ўзиёқ бунга ишонч ҳосил қилади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг махсус конструкторлик бюросида яратилган ҳамда ўпка силини даволайдиган ва шифолаш мақсадларида қонни нурлантирадиган лазер қурилмалар; республика Фанлар академияси электроника, ядро физикаси, микробиология илмгоҳларининг саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун ишланмалар; САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ирригация ва мелиорация соҳасидаги ихтиролари; Ўзбекистонда яратилган янги ғўза навлари — мана шуларнинг ҳаммаси халқаро савдо-сотиқда манфаатли маҳсулот бўлиб қолиши мумкин.

Технологияларни, замонавий асбоб-ускуна ва машиналарни экспорт қилиш нақадар обрўли иш бўлмасин, аммо бизнинг қийин давримизда чет эллик ишбилармонларни қизиқтира оладиган бошқа молларни сотишдан ҳам бош тортмаслик керак. Шу сабабли кўргазмада лазерлар, тракторлар, ажнабийларга таклиф этиладиган «ИЛ-76» самолётининг макети ёнига ўзбек миллий кулолчилиги, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик маҳсулотлари, пойабзал, мебель, рўзғор моллари, ўйинчоқлар ва ҳатто театр либослари ҳам қўйилган. Уларни ҳам чет элга сотишдан умид бор. Бундан ташқари экспорт имкониятлари кўргазмасида эҳтимол тутилган хорижий ҳамкорларга ўзбекистонлик мутахассисларнинг қўлидан келадиган транспорт хизматлари ҳам таклиф этилади.

...Яна бир неча кундан кейин Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бош павильонида ишбилармонларнинг қизғин фаолияти бошланади. Бу учрашувнинг якунлари иқтисодиётимизнинг яқин йиллардаги қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб бериши мумкин.

ЖУРНАЛИСТЛАР ТАРАДДУДИ

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви» матбуот гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ана шу катта анжуманга тайёргарлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ҳозиргача анжуманга бағишлаб махсус плакат чиқарилди, маълумотномалар, дастурлар ҳам чоп этилмоқда. «Ўзбекистон» деб аталган блокнот меҳмонларга манзур бўлади, албатта. Хорижлик ишбилармонлар «Ўзбекистоннинг четга мол чиқариш имкониятлари» каталогини ўқиб, зарур ва фойдали маълумотларни топа оладилар. Ушбу йиғинга бағишлаб матбуот бюллетени чиқаришга ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Мажлисда матбуот конференциялари ўтказиш, меҳмонлар билан суҳбатлар уюштиришга оид ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Учрашувнинг ихчам, чиройли ва рангдор эмблемаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган материалларни безайди.

(ЎзТАГ).





Пахтакор районидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги аъзолари маккажўхори етиштиришга ҳам эътиборни кучайтирмоқдалар. Айниқса Абдурашид Синдоров етакчилигидаги звено маккажўхорикорлари бу борада астойдил меҳнат қилишаяпти. Улар 50 гектар ердан режадаги 41 центнер ўрнига 50 центнердан дон олиш учун экинларни меҳр билан парваришламоқдалар.

Суратда: моҳир механизатор Суяр Норбўтаев.

У. ҚУШВОҚОВ туширган сурат.

● Халқ ризқига хиёнат қилувчиларни аямаслик керак!

ҲАММА ЎЗ ИШИНИ ҲАЛОЛ БАЖАРСА...

● ҚАБР ТОШИ ЁЗУВИГА «ҚУШИБ ЕЗИШ»

● СУЛТОН БОБОНИНГ АЛАМИ ВА ИСТАГИ

Сурхондарё вилояти Туркманистон, Тожикистон жумҳуриятлари билан чегарадош. Бозорларда қимматчилик, магазинларда тақчиллик бўлишига қарамасдан, вилоятдан ун, пахта мойи, сарғиёғ, сабзавот маҳсулотларини олиб чиқиб кетишга уринишлар давом этаётир, чоғроқ бозорни тарозига қўшиб ютиб юборишга қодир «Алка» машиналари, яшиндан тез КамАЗ лар ва уларни бошқариб турган кооперативлар бир вақтлар тўкин-сочин бўлган бозорларимиз қут-баракасини учириб қўйди. Улар пиёз ташиса хўп дедик, қўй ташиса хўп дедик, мана энди от ташишга ўтдилар. ГАИнинг Шероботдаги бекатида 10—82 ТДЛ юк машинаси тўхтатилди. Кузовда 5 та от. Ҳа десангиз отнинг эгаси Жўманазар Соатов Қамаши ноҳиясига кетяпмиз, отни Денов бозоридан сотиб олдик, дейди. Аҳвол шу зайлда давом этаверса, эҳтимол эртага туя ортилган машиналарни кўриб қолармиз. Нима туянинг қимизини истовчиларнинг қўлидан бу иш келмайди деб ўйлайсизми?

Термиз шаҳар озиқ-овқат савдоси корхонасининг омбор мудири Нортўра Хурсандовнинг бўлса қази-қимиз билан иши йўқ. Борига барака дейдиган одам. 11 минг 200 шиша рус арағини «борей» деб омборнинг ўзида сотиб юбора қолди. Одамлар ҳўю томошаси учун 10 шиша арақ топишга қийналиб турган бир пайтда Хурсандов бу ишни бегараз ҳожатбарорлик учун қилганига ишонмайсан киши. Ҳар қалай БХСС ходимлари унинг омборида сақланаётган 110 минг сўмини кассага кирим қилишди. Термиз шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари арақ савдоси у ёқда турсин, шаҳардаги қабр тошига эсдалик ёзуви битадиган корхонада ҳам қизғин «иш» бошлаб юборилганини аниқлашди. Корхонанинг бош муҳандиси А. Лихомонов ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан арвоҳларни шод этишдек хайрли ишдан 6 минг сўмдан ошиқ пулни ўзининг манфаатига «хайрия» қилмоқчи бўлган.

Ҳа, санайверсак гап кўп; фалончи харидорнинг ҳақидан уриб қолди, фалончи камёб молларни яшириб қўйди... қонунбузарларга қарши кураш вилоятда ёмон эмасга ўхшайди. Қайси бир назоратчи ташкилотга бориб учрашманг тўп-тўп қоғозни столнинг устига қўйишади. 60 га яқин БХСС ходими, халқ назорати қўмитасининг 40 та маош олиб ишлайдиган ва 12 мингга яқин маошсиз ишлайдиган аъзолари, ишчи назорати комиссиялари, савдодаги инспекторлар... Ишқилиб назоратчи, текширувчилардан кам-кўстлик жойимиз йўқ. Бироқ текширишлар нима натижа бераяпти?

— Менингча, қонунбузарларни фош этиш, ўрганиш ва ҳукм чиқариш ишларида ҳамфикрлилик етишмаётганга ўхшайди, — дейди вилоят ички ишлар бошқармасининг БХСС бўлими бошлиғи А. К. Абдураҳмонов. — Қош бор, кўз бор деймиз. Қани энди бу тапларга одамлар тўғри тушунишса. Тўғриси, жонинг ҳалак бўлиб жиноятни очганинг билан ҳаракатларинг судда бир пул бўлиб қолса, деган мулоҳазалар айрим ходимларимизни ҳафсаласизроқ қилиб қўйган. Биз атайин бировнинг бурнини қонатмоқчи эмасмиз. Лекин одамларнинг яхши яшашига халақит қилаётганларнинг биттасини эркалатинг, тамом, эртага унинг ёнида мингтаси пайдо бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси қарори билан яқинда жумҳурият Вазирлар Маҳкамасидан бир гуруҳ ўртоқлар амалий ёрдам кўрсатиш учун вилоятга келди. Вилоят ижроия қўмитасида ўтказилган кенгашларнинг бирида комиссиянинг савдо ишлари билан шуғулланган айрим аъзолари «Сурхондарёликлар тижорат юмушларидан мамнун» деган фикрга яқинлаштириб ҳисобот бермоқчи бўлдилар. Кенгаш ҳайъати бундай ҳисоботларни «аҳволни бўяб кўрсатиш» деб холис баҳолади. Чиндан ҳам аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш вилоятда яхши эмас. Ёз ойлари вилоят далаларида 20 минг чопиқчи меҳнат қилади. Улар учун магазинларда калиш йўқ. Вилоят ўтган беш ойда белгиланганидан 360 минг сўмлик калишни кам олди. Куннинг иссиғида атлас кўйлак кийиб ғўза чопиб бўлмайди. Қолаверса, колхозчи аёл 120 сўм маош билан ҳозир атласни ҳам харид қила олмайди. Магазинларда эса штапель, сатин, чит йўқ. «Узтекстильторг»нинг Термиздаги савдо базаси ўтган беш ойда 2 миллион сўмлик газламани кам етказиб берди. Савдо ташкилотлари кир совунни, шакарни, макаронни кам олмоқдалар.

6 июнь куни Термиз шаҳрида Султон Ҳасанов (Охунбобоев кўчаси, 21-уйда яшайди) деган кекса киши аҳволимиз қачон яхши бўлади, деб қолди. Султон бобо аламзада эди. Шаҳардаги фахрийлар магазини эшигини бир ҳафта кутиб энди 2 килограмм гўшт оламан деганди... Олмади. Чунки гўшт ҳидланган эди. Бошқалар ҳам олишмади. 200 килограмм гўшт комбинатга қайтариб юборилди.

— Шундай, оғзингдаги ризқингга чап беришади-я, — дейди ногирон чол куйиниб. — Бунақада аҳволни яхшилаб бўладими? Аравани бир томонга тортишни қачон ўрганамиз ўзи?

Ҳасанов кичкина нарсадан хафа бўлди. Озгина ёруғликдан боши осмонга етиб, олқишлашни ҳам билади. Ахир қаноати, бардоши тоғдай бўлган юртнинг фахрийси у. Унинг олқишини қозониш учун эса тоғни ундириб келтириш шарт эмас.

О. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КАРТОШКАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

Тошкент вилоятида бундан уч йил аввал картошка уруғчилигини йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш мақсадида илмий лаборатория ташкил этилган эди. Хўш, унинг натижаси нима бўлди?

Утган йили вилоят хўжаликларида 52 минг 400 тонна картошка етиштирилди. Бу кўрсаткич бурноғи йилдагидан 17 минг 900 тонна камдир. Бунинг устига картошка экилган майдонларга колорадо қўнғизлари йилдан-йилга кўпроқ хавф солмоқда. Эндиликда картошкакорлар олдида икки муҳим муаммо кўндаланг бўлиб турибди. Улардан бири уруғлик картошкани четдан келтирмаслик масаласидир. Чунки бундай усул жуда қимматга тушиб кетмоқда. Аввало, қардош жумҳуриятлар — Россия, Украина, Белоруссия билан уруғлик савдосини пишитиш йил сайин осон кўчмаяпти. Агар бунга бозор муносабатларига ўтиш жараёнини ҳам қўшадиган бўлсак, у тақдирда картошканинг харид нархи (ҳозирча бир килограмм маҳсулот 60—80 тийинни ташкил этмоқда) 1 сўмдан кам бўлмаслиги аён бўлади.

Иккинчи муаммо, бу — картошка уруғчилигини йўлга қўйиш масаласидир. Бу шунинг учун зарурки, аввалambor маҳсулотни келтиришдаги сарф-харажатларга барҳам берилса, бошқа томондан ўзимизни ўзимиз уруғлик билан таъминлабгина қолмай, балки бошқа вилоятларга ҳам сотиш имкони вужудга келтирилади.

Ана шу хайрли ният «Ленинград» давлат хўжалигида кимё фанлари номзоди Абдурашид Набиев раҳбарлигидаги лабораторияда «Меристема» усули билан амалга оширила бошланди. Маълумки, бу усул билан уруғлик етиштирган Канада, Япония, Голландия, Польша, Венгрия, Хитой каби мамлакатлар фирмалари жаҳон бозорларини эгаллаб олишмоқда. Биргина Голландия картошкакорлари 80 дан зиёд мамлакатга 60 дан ортиқ навдаги уруғлик етказиб бераётир.

Хўш, «Меристема» усули нима? Нега уни қўллаган мамлакатлар четдан картошка сотиб олмаётирлар?

— Сифатли картошка олиш учун аввало уни юқумли касалликлардан халос қилиш керак, — дейди А. Набиев. — Кейинги йигирма йил ичида ҳужайра биологияси илмида кескин ўзгаришлар кузатилди. Тадқиқотлар жараёнида тўқима ва ҳужайраларни сунъий озуқали муҳитда ўстириш йўллари синаб кўрилди. Ўсимлик тепа қисми ўсиш куртагидан бир-икки сантиметр қилиб кесиб олинган тўқима (меристема) сунъий соф муҳитда ўстирилганда уларнинг кўпчилик қисми вирусдан халос бўлиб чиқди. Кейинги тадқиқотларда ўсимликнинг касалликдан фориғ бўлиш даражаси кескин ошди.

Мазкур биологик технология 1965 йиллардан картошка уруғчилигида қўлланила бошланди. Бу орада ўсимликларни пробиркада чексиз кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилди. Бунинг афзаллиги шундан иборатки, биргина пробиркадаги соғлом ўсимликни бир йил ичида бир неча миллионтага етказиш имкони пайдо бўлди. Эстония меристема лабораторияси олимлари ўзига хос технология асосида самарали ишлаб бормоқдалар. Бу лабораторияда картошка навлари махсус вируссизлантириш ва пробиркада кўпайтириш жараёнини ўтаб бўлгач, ташқи муҳитга ўргатилган ниҳол яшил қаламчалар орқали жинссиз йўл билан соғлом ортирилади. Картошка далага кўчат сифатида экилади ва ҳосил олинади. Бундай йўл билан олинган картошка кейинги босқичларда очиқ далага уруғлик сифатида бир неча йил экиб ортириб боравериладн. Бундай усул уруғлик етиштиришдаги 10—12 йиллик муддатни беш-олти йилга қисқартиришга имкон яратди. Бу усулдан моҳирона фойдаланаётган «Адажи» (Латвия) агрофирмаси фақат Рига шаҳрини йилига 50 минг тонна картошка билан таъминлаб келмоқда. Бу ҳосилни олиш учун эса 400 гектарли дала кифоя қиляпти, холос...

Лабораторияда энг яхши деб топилган «Белорус», «Адретта» (ГДР), ўзимизда илгари машҳур бўлган «Обидов», «Қайчибарг» сингари 28 хил нав тажрибадан ўтказилмоқда. Бундан икки йил аввал Эстониядан 129 пробиркада вирусдан тозаланган тўқима олиб келинди. Улар қўшимча пробиркаларда кўпайтирилиб, бир неча мингта етказилди.

Лабораторияда асосан эртапишар навлар устида иш олиб борилмоқда. Чунки картошка ҳосили икки ярим-уч ойда етилиб, йиғиштириб олинади. Бу фурсатда картошка экилган майдонларда вирус ташийдиган ҳашаротлар кўпайиб улгуролмайди. Кечки навни кўпайтиришда эса ўсимликнинг вирус касаллигига чалиниши кўпроқ кузатилади. Лабораторияда яратилган ўзига хос технологияда мана шулар ҳам ҳисобга олинди.

Агар лабораториянинг йилига 100 мингта соғломлаштирилган кўчат етказиб беришини ҳисобласак, олти йилда 20 минг тоннага яқин уруғлик олиш мумкинлиги ҳақиқатга айланиши турган гап. Шунча ҳосил олишни таъминлаш учун эса, йилига олти гектарли иссиқхона ва минг гектарли очиқ майдон талаб этилади. Бу тадбирлар амалга оширилса Тошкент вилояти хўжаликларининг уруғлик картошкага бўлган эҳтиёжи қондирилиши мумкин.

Гап ушбу тармоқни изчил ривожлантириш ҳақида кетар экан, бу борада албатта, биринчи навбатда уруғлик картошкани жумҳурият ҳудудида етиштириш йўлга қўйиш билан муаммо ечимига киришилди, деб ўйламоқ жоиздир. Чунки уруғчиликни ривожлантирмасдан туриб ҳеч қачон кўп ва арзон маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиб бўлмайди. Ваҳолонки, ўтган йили бир гектар ердаги картошкани етиштиришга икки минг сўм атрофида сарфланди. Бу экиндан фойда олиш қийинлиги сабабли кўпгина хўжалик раҳбарлари картошка етиштиришга бефарқ қарашларини ҳам тушуниш керак. Бунинг устига «югур-югур»лардан кейин четдан келтирилган уруғлик то майдонларга экилгунча унинг ярмидан кўпроғи чиқитга чиқиб кетишини назарда тутсак, уруғликни ўзимизда етиштириш масаласи нақадар ҳаётий зарурат эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.

— Хўжалигимизни тўла уруғчиликка ўтказиш катта хайрли ишнинг дебочаси бўларди, — дейди совхоз директори Саъдулла Суннатов. — Тўғри, дастлаб бизда ҳам бошқаларга ўхшаб иккиланишлар йўқ эмасди. Лекин Абдурашид бўш келмади. Ўзининг ҳақлигини ҳар бир ўзгаришда исботлай олди. Ҳисоб-китоблар уруғчиликнинг истиқболли эканлигини кўрсатиб турибди. Эндиги гап Тошкент шаҳар агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларида қолган.

Тадқиқотчи А. Набиевнинг далолат беришича, хўжалик фақат уруғчиликка ихтисослаштирилган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бунинг учун эса хўжалик ўз ҳудудида экиладиган экинлардан аста-секин воз кечиши керак бўлади. Чунки ҳар хил экинлар экилиши картошка уруғлигини тез касалликка чалинишига олиб келади. Хўжалик ихтисослаштирилгандан кейин эса шаҳар аҳолиси йилига беш минг тоннадан зиёд сабзавот, полиз ва мевадан маҳрум бўлади. Тошкент шаҳар агросаноат бирлашмасидаги раҳбарларнинг асосий эътибори ҳам ана шу масала ҳусусида. Бироқ вилоят агросаноат бирлашмаси бу муаммога бошқача ёндашиб, розилик берган эди. Афтидан, улар хўжаликнинг келажакдаги истиқболини ўйлаб шундай қарорга келганлар. Ахир, давр тақозоси ҳам шундай-ку!

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАДҚИҚОТЧИ БИЛАН ЁНМА-ЁН

● Қашқадарё вилояти. Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли давлат хўжалиги механизаторлари вилоятда биринчи бўлиб арпа ўримига киришдилар. Мавжуд 450 гектар арпазор 4 та ижарачи бригадага бўлиб берилган.

Ҳосилнинг асосий қисми хўжаликнинг ўзида қолдирилади. Давлатга эса 50 тонна арпа етказиб берилади.

Суратда: (чапдан ўнгга) хўжалик партия қўмитаси котиби Даврон Шоймардонов, механизатор Темир Худойқулов, бригада бошлиғи Розиқберди Шодмонов ва комбайнчи Ҳайитбой Наврўзов.

Ш. ШАРОПОВ туширган сурат. (ЎзТАГ).

СИНОВ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Жиззах вилояти пилла-корлари шундай демоқдалар. Бунинг боиси бор, албатта. Бу йил вилоят бўйича ёппасига илк бор Японияда тайёрланган уруғдан ҳосил етиштирилди. Жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 15 апрелдаги қароридан кейин жиззахликлар зиммасига янги «Сюн-Рей Х сёгецу» дурагай зотини синаб кўришдек катта масъулият юкланганди. Бугун пиллакорларнинг юзлари ёруғ! Режалаштирган 450 тонна пилла давлат хирмонига тушди. Ҳали Бахмал, Ғаллаорол, Фориш районларида пилла топшириш қизғин давом этмоқда. Мавсум охиригача вилоят бўйича ҳар қути уруғдан олинадиган ҳосил 65 килограммни ташкил этиши, жами ҳосил салмоғи 500 тоннадан ошиши кўзда тутиляпти.

Энг муҳими, япон нави ҳосилдорлиги тўрт-беш фоиз кўп бўлмоқда. Мутахассислар бир дона пилладан олинадиган тола узунлиги маҳаллий навдаги 800—900 метр ўрнига 1200—1300 метрга тўғри келаётганлигини аниқладилар. Улар ҳосилдорлик ва сифатнинг юқори бўлиши хўжаликларни ҳам, пиллакорларни ҳам иқтисодий жиҳатдан жиддий қўллаб-қувватлашини айтмоқдалар. Бунга ишонса бўлади. Чунки ўтган йили вилоятдаги бир неча давлат хўжаликларида етиштирилган худди шу навли ипакнинг ҳар килограмми жаҳон бозорида 15-17 доллардан сотилганди. Бу эса одатдагидан 2,5-3 баравар қимматдир.

Янги навни оммалаштириш ва маҳаллий шароитга мослаштиришда «Сўғдиёна» фирмаси билан биргаликда вилоятда фаолият кўрсатаётган япониялик мутахассисларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш даркор.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТУРМУШИМИЗ АСОСИ

Республикамизда бўлаётган ўзгаришлар бизнинг қишлоғимиз ҳаётида ҳам сезилмоқда. Эндиликда бошқа хўжаликлар таркибидан чиқиб, мустақил иш юрита бошлаган «Андоқ» боғдорчилик-узумчилик хўжалиги меҳнаткашлари ўз зиммаларидаги масъулиятни яққол сезмоқдалар.

Хўжалигимиз 17 минг гектар майдонга эга. Ҳозирча шу ернинг фақат 115 гектарига ток экилди. Бизнинг ҳудудда етиштирилаётган майиз дунёнинг бошқа бирон жойида йўқ. Қуёшнинг тик тушиши, тупроқ таркибининг ўзига хослиги, кимёвий ўғитларнинг мутлақо ишлатилмаслиги, ҳавонинг ниҳоятда тозалиги ва бошқа омиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баракали ва сифатли бўлишини таъминлайди.

Энг муҳими, одамларимиз меҳнаткаш, ишнинг кўзини биладиган кишилардир. Хўжалигимиз ҳудудида 9,5 минг киши истиқомат қилади. Уларнинг салкам ярмиси меҳнатга яроқли, лекин имкониятлар йўқлиги учун фақат 200 кишигина иш билан таъминланган. Қишлоқларимизда 100—150 йилга бемалол чидайдиган гиламлар тўқиш ҳадисини олган қизларимиз, келинларимиз бош юздан ортиқ. Улар кишида завқ уйғотадиган сифатли сўзана, ҳар хил кашталар, ажойиб белбоғлар, дўппилар тика оладилар. Агар вақти келиб, цех ташкил этилса, кўнгилдагидек иш бўларди. Биринчи навбатда ҳамма иш билан таъминланарди.

700 гектар майдонда боғроғлар, узумзор яратиш имкониятимиз бор. 1990 йилда ҳаммаси бўлиб 55 тонна майиз етиштирган бўлсак, янги майдонларни ўзлаштиргандан кейин ҳар йили 2,5-3 минг тонна аъло сифатли «Учқора» навли майиз етиштиришимиз мумкин. Фақат бугина эмас. Бир вақтлар қишлоғимиз ҳудудидаги ҳар бир киши бошига бир туп балх тут тўғри келарди. Тут бизнинг шароитда иккинчи нон вазифасини адо этар эди. Минг афсуски, сувсизлик туфайли унинг кўп қисми қуриб қолди. Ҳозир эса юз одамга бир туп тўғри келмайди. Дармон дори ҳисобланган тутмайиз, тутталқон, тутҳолва, тутшинни ва бошқа маҳсулотлар эса энди эзгу армон.

Суғориладиган майдонларда ширинлиги тилни ёрадиган қовунлар, тарвузлар, танага қувват берадиган зиғир, кунжут ва бошқа доривор ўсимликлар экиларди. Шуларнинг ҳаммасини тиклайдиган пайт келди чоғимизда. Қишлоғимиз меҳнаткашларининг катта қисми бу заруратни тушунмоқда.

Ниҳоят, эзгу орзуларимиз амалга ошадиганга ўхшайди. Биз томонларга ҳам сув чиқарилмоқда. Агар сув йўли ўн километрга чўзилса, юқорида айтилган барча ниятларимизга етамиз. Аслида лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра бу масофага сув чиқариш 1995—2000 йилгача амалга оширилар экан. Бироқ бу муддатгача экин майдонларимиз бўш ётадими? Ахир, экинзорлар қуриб тамом бўлади-ку? Шунинг олдини олиш учун бу ишни тезлатиш керак. Шу сабабли ёрдам беринг, мадад беринг деб қишлоқнинг фахрий фуқароси, СССР халқ депутати Эркин Юсуповга мурожаат қилишимизга тўғри келди. У киши қўлимдан келганча ёрдам бераман, дедилар.

Биз яхши тушунамизки, иқтисодий танглик даврида давлатдан маблағ сўраш инсофдан эмас. Лекин аҳволни яхшиламоқ учун битта нарса — оби ҳаёт керак. Уни олиб боришга икки ярим миллион сўм керак экан. Ростини айтсак, шунча маблағ бизга берилса, ишлар битади, қисқа вақт ичида қарздан қутуламиз. Бундан ташқари меҳнаткашларимиз шаҳарликларга сифатли гўшт етказади. Қовун, тарвуз, сабзи, пиёз каби арзон маҳсулотларни тайёрлаб берамиз.

Бу гаплар сув олиш учун берилаётган одатдаги ваъда эмас. Айтмоқчи, бизнинг қишлоқларни ободонлаштириш йўлида ҳам айрим ишлар қилинмоқда. Жумладан, қишлоғимизда асфальтлаштирилган йўл қурилиши бошланган.

Лекин муаммоларимиз тўлиб-тошиб ётибди. Қишлоғимиз ҳудудида эллик йилдан бери маданият ўчоғи қурилмаган. Илгари қурилганлари бузилиб кетган. Касалхона, туғуруқхона у ёқда турсин, оддий тиббий ёрдам кўрсатадиган пункт ҳам йўқ. Клуб, кинозаллар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади.

Сув масаласи ҳал этилса, буларнинг ҳаммасини ўзимиз қила оламиз, демоқчимиз. Бозор муносабатларига ўтиш ана шу соҳаларда ҳам ташаббускор бўлишни тақозо қилади. Одамларимиз сифат жиҳатидан янги турмуш тарзига интилмоқда. Ҳозиргача шу табиий эҳтиёжлар қондирилмагани учун ҳар хил идора, ташкилот раҳбарларига хат, ариза, талаблар ёзиш билан бандмиз. Райондан юқори органларга тушадиган аризаларнинг етмиш фоизи бизнинг қишлоқ одамларидан тушади.

Кишиларимизнинг айрим орзуларн ушалди. Ёқилғи сотадиган станция қурилди ва аризабозлик камайди.

Хуллас, бизга сув керак. У ҳамма жойда ҳаёт асоси, айниқса биз учун. Бизга сув келтирган одам абадий азиз бўлиб қолади.

М. ОЧИЛОВ,
Каттақўрғон районидаги «Андоқ» боғдорчилик-узумчилик давлат хўжалиги директори.
Ш. НУРМАТОВ, К. ТУРСУНОВ,
участка бошлиқлари
Ш. УТАНОВ,
боғбон.

ТАБАРРУК НАСИБА

1.

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим... Нон ҳақида ворид бўлган ҳадислар ичида ҳазрат Расулуллоҳнинг «Нон жаннатдан чиққан» деган ҳадислари энг саҳиҳ ҳадис эканлиги исботланган. Бу шуни билдирадики, инсон ўзи ҳам жаннатдан қувилгач, Оллоҳ таоло унга ризқ-рўзи қилиб нонни берди.

НОН дейилганда хоҳ буғдойдан, хоҳ арпадан, хоҳ бошқа хил донлардан тайёрланган емишга айтилади. Уламоларнинг айтишича, инсон буғдой ва арпа экишни ўрганиб олгач, ер юзида зурриёти тезлик билан кўпая бошлаган. Бу демак, инсон шу вақтдан бошлаб янгича ҳаёт тарзига ўтган ва унинг нисбатан тинч ва ўтроқ ҳаёт кечиришига сабаб бўлган ва кўп ўтмай у ер юзини тўлдира бошлаган. Шунинг учун ҳам нон жуда қадимдан инсоннинг асосий таоми бўлиб келмоқда. Шунинг учун барча аждодларимиз нон ва донни исроф қилмаслик ва уни авайлаб сақлашга катта аҳамият бериб келганлар.

Нонни оёқ остига ташламаслик, уни хор қилмаслик, тўй-маъракаларда нон ва таомни исроф қилмаслик — қадим аждодларимиздан қолган эзгу одатлардандир. Ҳозир ҳам кўпни кўрган айрим кексаларимиз таомни еб бўлгач, дастурхонни чеккароқ жойга, девор тагига қоқишни буюрадилар ва дастурхондан қандайдир махлуқлар ҳам ризқлансинлар деб, қурту қумурсқа ва қушларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам унутмайдилар. Ота-боболаримиз ерга тушган нон увоғини териб олиб чеккароқ жойга қўйишга одат қилганлар.

Ривоят қилишларича, кунлардан бир кун Мирзо Улуғбек ўз аъёнлари билан бирга Самарқанд шаҳридан ташқари кўчалардан бирида кетаётиб, тупроқ ичида тушиб ётган бир кулча нонни кўради. У отидан тушиб келиб кулчани пуфлаб тозалаб қўйнига солади. Буни кўрган аъёнлар: «Агар бизга буюрсангиз уни олардик» деганларида, Улуғбек: «Уни мен кўрдим, ўзим олишим менинг иймоний бурчим», деган экан.

Бизнинг диёримизда нон ва буғдой ҳамда бошқа дон унидан тайёрланган таом қадимдан улуғланиб келинган. Ҳолбуки, бу диёрнинг қаттиқ қаҳатчилик ва очарчиликка учраб, одамларнинг нонга зор бўлган даврлари нисбатан кам бўлган. VII ҳижрий (XIII мелодий) аср бошида тақдир тақозоси билан Мовароуннаҳрга келиб қолган, асли шомлик ислом сайёҳ олими Ёқут ал-Ҳамавий ўзининг кўп жилдлик асарида Мовароуннаҳр шу қадар сербарака ва серҳосилки, агар дунёнинг бошқа минтақаларида ўн маротаба қаҳатчилик рўй берса, бу ерда зўрға бир марта шундай очарчилик бўлиши мумкин, дейди. У айтадики, шу билан баробар бу диёрнинг одамлари кўнгли очиқлик, меҳмондўстлик, одамгарчилик билан ажралиб туради. Яна бир араб сайёҳи алМакдисий, бу диёрларни оллоҳнинг ер юзидаги жаннатидир, деб атайди.

2.

Демак, бошлардан кечирилган кўплаб очарчиликлар сабабли эмас, балки меҳнатни улуғлаш ва қадрлаш сабабли диёримизда нонни эъзозлаш шаклланган. Ўзимизга маълумки, деҳқон ерга уруғ ташлаб экин ўсиб чиққанидан бошлаб ҳар куни унинг қадди-қоматига тикилади ва дон деярли унинг кўз олдида пишиб етилади, шундай қилиб ҳар бир дон донаси ва нон ушоғи унга ниҳоят даражада қиймат баҳо бўлиб кўринади.

Қуръони карим оятларидан бирида. «Енглар, ичинглар ва исроф қилманглар», дейилади. Қуръони каримни мусулмонлар ўзларининг ҳидоят, иршод ва дастур китоблари, деб биладилар. Демак, Қуръон инсонни жаннат йўлига ҳидоят қилувчи табаррук китобдир. Бундан чиқадики, бизнинг еб-ичиб, исрофга йўл қўймаслигимизга ҳам Қуръони каримда аҳамият берилган. Бунинг мазмуни шуки, нон ва таомни исроф қилиш гуноҳдир, гуноҳ эса ё бу дунёда ёки у дунёда инсонни азоб-уқубатга қолдиради. Қадимий уламоларнинг, кимки нонни хор қилса, ўша киши бир кун унга зор бўлади, деганлари тажрибадан ўтган ҳақиқоний гапдир. Бизнинг замонамизда эса ҳар бир гуноҳ ва савобнинг натижаси тез кунда бошимизга келиб турганини кўриб турибмиз.

Бундан 2—3 йил бурунгина мамлакатимизнинг баъзи шимолий шаҳарларида ўсмирларнинг нон буханкаларини футбол қилиб тепиб ўйнаётганларига шоҳид бўлардик ва нон ахлатга ташланаётганини кўрардик. Мана энди орадан кўп вақт ўтмай, ўша жойларда одамлар нон учун неча соатлаб навбат кутадиган бўлдилар ва ҳамма вақт ҳам нонга эга бўлолмаяптилар. Бу ҳолат албатта, барчага ибрат бўларлидир.

Пайғамбаримиз бизларга «Барча нарсада иқтисод қилинг» ва «Ҳеч нарса беҳад эмас», дедилар. Ҳатто, инсонга ўз қўл-оёғидан фойдаланишда ҳам иқтисод қилишга буюрдилар, меҳнат ва қанчалик заҳмат билан қўлга киритилган бойликларни иқтисод қилиш ва тежаб ишлатиш ислом динининг таълимотларидан биридир. Нон ва таомни исроф қилувчиларни Қуръони карим «Оллоҳ таоло исроф қилувчиларни яхши кўрмайди» деб огоҳ қилди. Оллоҳ яхши кўрмаган кишининг эса дунёда омади юришмайди, унинг бўйнига шайтон миниб олади ва у қаёққа етакласа, ўша ёққа кетаверадиган бўлиб қолади.

Маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг, шу ердаги элга бош бўлдилар, ўшалар қандай камбағалликда ҳаёт кечирсалар, Расулуллоҳ ҳам шундай ҳаёт кечирдилар. Ҳатто ўзларининг маҳбуб қизлари Фотимаи Зуҳрони ҳазрат Алига узатганларида ҳам тўйларини дабдабасиз, камтарона ва беисрофлик билан ўтказдилар, бу пайғамбарнинг қизику, деб, ўша

3.

халқнинг моддий аҳволи ва маиший савиясидан юқорига чиқмадилар. Бу албатта мусулмонларга ибратли бир суннат бўлиб қолди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо нон ва таомни Оллоҳнинг мутлақ неъмати деб ҳисоблаб, унинг қадрига етардилар ва еган таомни яхшилик ва эзгуликка қувват бўлишини сўрардилар ва дуоларида «Эй парвардигор, еган таомимни менга қут ва озуқа қилгил ва унинг кучини эзгулик ишини қилишимга насиб қилгил», дер эдилар. Шунга асосан бўлса керак, шарофатли аждодларимиз, Оллоҳнинг неъматини еб туриб гуноҳ иш қилмайин, деб ўзларини ҳар хил гуноҳлардан эҳтиёт қилар эдилар ва бутун куч-қувватларини эл—халққа хизмат қилиш ва эл-юртларида ризқ-рўзнинг кенгроқ бўлишига сарфлар эдилар.

XIV мелодий асрда оламни кезган Марокаш сайёҳи Ибн Батута Ўрта Осиёдан ғоят хурсанд бўлиб, бу диёрдагидек серобгарчилик ва мўлчиликни ҳеч бир юртда кўрмадим, озиқ-овқат, мева-чева ва қовун-тарвуз шундай кўпки, уни одамлар бир-бирларини сийлаш учун ишлатадилар, дейди. Бундай мўл-кўлчиликни таъминлашга фақат меҳнатнинг ўзи билан эмас, яхши ахлоқ, мурувват, фақирпарварлик билан эришганлар. Оврупо шарқшуноси Адам Меизцнинг ёзишича, Ўрта Осиё халқларида шундай фақирпарварлик ва одамгарчилик мавжуд бўлганки, савоб бўлсин, деб йўллар устида қудуқ кавлаб сув чиқазиб қўяр ва қорни оч қолган йўловчи соғиб ичсин деб сигирларни боғлаб қўярдилар. Яъни аждодларимиз бир томондан нон ва таомни қадрлашса, иккинчи тарафдан оч-яланғоч ва камбағал-мискинларнинг ҳақ-ҳуқуқларини унутмас эдилар. Буни биз улуғ бобомиз Алишер Навоий мисолида ва улуғ зотлар Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Аҳрор Вали ва бошқа азиз-авлиёлар мисолларида ҳам кўришимиз мумкин.

Шундан аён бўлиб турибдики, нонни ва таомни қадрлаш ва юқоридаги Ҳадиси шариф «Ҳамма нарсада иқтисод қилинг» деган сўз айни вақтда хасис-у бахил бўлинг деган сўз эмас. Халқимиз қадимдан меҳмон ҳузурига бир даста нон олиб чиқиб, уни сийлашга одат қилган. Нонинг кўплиги билан ўзининг фаровон яшаётганини кўрсатади. Агар бирон қишлоққа бир меҳмон келиб қолса, қўни-қўшнилар ўзида ўша куни пиширган таомидан насиба олиб чиқадилар ва шундай қилиб меҳмоннинг меҳмон олдидаги обрўсини кўтарадилар. Бу одат баъзи жойларда кенг тарқалган.

Шундай урф-одатлар, эҳтимол ўзича пайдо бўлган эмас. Шариат қонунига кўра бирон қишлоққа хоҳ таниш, хоҳ нотаниш меҳмон келиб қолса, унинг қорнини тўйғазишга қишлоқ аҳолиси масъулдир. Агар унга ҳеч ким қарамаса, барчалари гуноҳкор бўладиларки, ҳатто қози ҳам улардан унинг ҳақини олиб бериши керак. Шариатнинг бу ҳукми ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотган эмас ва у ҳар бир мусулмон қавмунинг ҳусну-жамоли ва обрўси бўлиб хизмат қилади.

Ҳадисларда шунингдек, қўни-қўшнининг бу борадаги ҳақлари кенг баён этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо айтганлар: «Қўшнисининг оч, таомсиз ётганини билиб туриб, ўзи тўқ яшаётган мусулмон ҳақиқий мусулон эмас», деган муборак ҳадис бизнинг замонамизда ва келажак замонларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Чунки инсон ҳаёти шундай яратилганки, бирон ўз нон-таомини топиб ейишга қодир бўлса, иккинчи бир шахснинг маълум сабабларга кўра нон-таомга муҳтож бўлиб қолиш пайтлари бўлади. Инсон ўз инсон қардошини қўллаб-қувватлар экан, ўзи ҳам маънавий жиҳатдан ўсади ва юраги-дили тобора улуғворлашиб бораверади.

Абдулғани АБДУЛЛО,
Тошкент вилояти бош имом-хатиби.

• ЯНГИЛИКЛАРДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● Жиззахдаги керамика заводи жамоаси ҳам Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик юбилейига яхши армуғон тайёрламоқда. Моҳир кулоллар табаррук инсоннинг нуроний сиймоси туширилган турли хил буюмларга чинакам жилва бериб оддий ашёдан ажойиб гулдонлар, лаганлар ва бошқа турли хил буюмлар яратишяпти.

Суратда: корхонанинг илғор ишчиси, қобилиятли рассом Сожида Ўринбоева.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

● ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

ТИББИЙ ЁРДАМ

Сўх Фарғона вилоятининг қайтадан ташкил этилган олис тоғли райони. Бу ерда соғлиқни сақлаш муассасалари, дорихоналар жуда кам эди. Бор-йўғи 105 та ўринга мўлжалланган район шифохонаси талабга жавоб бермасди.

Бу йил районда аҳволни ўнглаш учун қатор шошилинч чоралар кўриляпти. Чунончи «Хушёр» давлат хўжалигида янги шифохона қурилиши бошлаб юборилиш арафасида. Жумҳуриятга Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти бу йил районга қўшимча бир қанча шифокор мутахассисларни юборишга ваъда берди. Андижон тиббиёт институтига ўтган йили 11 нафар сўхлик ёшлар қабул қилинган эди. Бинобарин районга тиббиёт муассасалари, малакали шифокорлар билан ёрдам беришнинг янги йўллари ҳам изланмоқда.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ахборот

ЎЗЛИГИГА МОС НОМЛАР

● Шовот районидаги Чкалов номли жамоа хўжалиги бошқаруви қарорига мувофиқ унинг номи ўзгартирилди. Унга айни пайтда шу ерда туғилиб, санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшган Ўзбекистон ва Туркманистон жумҳуриятлари халқ артисти унвонига сазовор бўлган Комилжон Отаниёзов номи берилди.

Киров номли жамоа хўжалиги эса мазкур хўжаликка узоқ йиллар раҳбарлик қилган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Карим Раҳимов номи билан аталадиган бўлди. Районда машҳур хоразмлик ижодкорлар, эл-юртнинг равнақи йўлида астойдил хизмат қилган кишилар номини абадийлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги пайтнинг ўзида 10 га яқин мактаб ва кўчаларга Оғаҳий, Комил Хоразмий, Айёмий сингари шоирларнинг, шунингдек Афғонистонда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг ҳам номи берилди.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам бундай хайрли ишларга жиддий эътибор берилаётганидан кишилар мамнун. Масалан, яқинда Хазорасп райони марказидаги бош майдонга халқимиз ва юртимиз озодлиги йўлида курашган мард ўғлон Жалолиддин Мангуберди номи берилганлиги айниқса савоб иш бўлди.

ҚУРОЛДОШЛАР ДИЙДОРИ

● Улуғ Ватан уруши иштирокчиси хивалик Жуманиёз Эгамов яқинда Москвадан қайтиб келди. У пойтахтга 6-гвардиячи кавалерия корпуси сафида жанг қилган қуролдошлари билан учрашувга борган эди.

Албатта изтиробли онлар ҳам бўлди. Унинг боиси шундаки, собиқ жангчилар сафи йил сайин сийраклашиб боряпти. Бунинг устига томсклик дўсти Евгений Трифонов ҳам учрашувга келмаган эди. Уларнинг ҳар бир йиғинда қучоқ очиб кўришишлари деярли одат тусига айланганди.

Эгамов Хивага келган куни Томскдан телеграмма келиб қолди. Унда Трифонов дўстиникига меҳмонга таширф буюраётганини ёзибди. Шу тариқа қуролдошлар яна дийдор кўришдилар. Меҳмон Эгамовнинг оиласи, ошна-оғайнилари, Хиванинг ажойиб ёдгорликларини мароқ билан томоша қилди.

— Ўзбекистонда биринчи бўлишим, — дейди Е. Трифонов. — Юртингиз ҳақида эшитган ҳар бир хушхабардан кўнглим тоғдай кўтариларди, аксинча совуқ гаплардан дилим яраланарди. Ўзларингиздан қолар гап йўқ, марказий матбуотда сизлар тўғрингизда нималар ёзишмади дейсиз. Лекин бу ерга келиб шунга яна амин бўлдимки, уларнинг аксарияти тўқима гаплар экан. Юртингиз одамлари меҳр-оқибатли, софдил ва меҳнаткаш эканлигидан фахрландим. Аслини олганда улардан инсонийлик сабоғини ўрганиш керак. Бизнинг Жуманиёз билан дўстлигимиз яна узоқ йиллар давом этади. Кейинги авлодлар ҳам бундай яхши удум йўлидан боришларига ишонаман.

Қуролдошлар бир-бирлари билан тайёрагоҳда қучоқлашиб хайрлашдилар.

СПОРТ

ТАЛАБАЛАР УЮШМАСИ

Илгари спорт жамиятлари мавжудлигида турли жамоага мансуб спортчилар «Меҳнат», «Пахтакор», «Локомотив», «Спартак» ва бошқа спорт клублари байроқлари остида бирлашиб, маҳорат оширишарди. Қайта қуриш шабадаси билан мазкур спорт жамиятларининг бирлаштирилиши ўзини оқламаётгани кўриниб қолди. Айниқса, «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти байроғи остида ўзларининг жисмоний камолотларини рўёбга чиқараётган талабалар аросатда қолишди. Ваҳолонки, қанчадан-қанча ўзбекистонлик йигит-қизлар халқаро майдонларда ўз спорт жамиятлари шарафини муносиб ҳимоя қилишган эди.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конференциясида ана шу ҳақда фикр-мулоҳазалар юритилди. Бу йиғин Ўзбекистон ўқув юртлари жисмоний тарбия ва спорт жамҳурият уюшмасини тузишга бағишланди. Йиғилиш қатнашчилари кейинги ўн йилликлар мобайнида жумҳуриятимиз ёшларининг жисмоний камолоти ва саломатлиги иттифоқ миқёсига нисбатан анчагина «ожизланиб» қолганини таъкидлашди. Ўзбекистон ССР Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, жумҳуриятнинг Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари комитети, бирлашган кўнгилли спорт жамиятлари Ўзбекистон кенгаши ва Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт Давлат комитети талабалар уюшмасининг ташкилотчилари бўлишди. Тошкент машинасозлик илмгоҳи ректори Н. Юсуфбеков талабалар уюшмаси президенти, жумҳуриятнинг спорт комитети раисининг ўринбосари Н. Жалолов вице-президент этиб сайланди.

ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК

Тошкент. АҚШдаги «Прсект-хоуп» — «Умид» меҳр-шафқат ташкилоти жумҳуриятимиз тиббиётчилари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб келмоқдалар.

Яқинда америкаликлардан 800 минг долларлик ана шундай тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар олинди ҳамда Тошкент, Нукус, Урганч соғлиқни сақлаш муассасалари тасарруфига жўнатилди.

Америкалик тиббиётчилар билан ўрнатилган бу дўстлик алоқаларини жумҳуриятнинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги келгусида янада равнақ топтириш йўлларини қидирмоқда.

Суратда: (чапдан ўнгга): жумҳуриятнинг соғлиқни сақлаш вазирининг муовини Д. Қобулова, «Умид» меҳр-шафқат ташкилотининг регионал директори Р. Бурестеро, Тошкент шаҳридаги болалар клиник касалхонасининг бош врачи С. Толипов ва АҚШ элчихонаси иқтисод бўлимининг биринчи секретари Жудмт Дин ўзаро мулоқотда.

А. ГОРОКРИК олган сурат. (ЎзТАГ).

МУСАВВИР АСАРЛАРИ

● Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отажон Оллоберганов ғоятда хайрли ишга қўл урди.

Мусаввир ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган Чўлпон, Фитрат, Қодирий каби улуғ намояндалар билан бир қаторда Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матчон сингари замондошларимизнинг портретлари галереясини яратди. Бу асарлар Урганч шаҳрида янги очилган лицей мактаби залларидан ўрин олади.

Отажон Оллобергановни санъат ихлосмандлари на фақат иқтидорли рассом, балки беназир саҳна безакчиси, ажойиб ҳайкалтарош сифатида ҳам яхши билишади. Мисол тариқасида унинг яқинда Оғаҳий номидаги Хоразм мусиқали комедия театрида қўйилган Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» асарига ишлаган саҳна безакларини, педагогика институти олдидаги алломалар хиёбонидаги ҳайкалтарошлик ишларини келтириш мумкин. Мусаввирнинг портретлар галереяси бўлса ана шу эзгу ишларнинг давоми сифатида ихлосмандлар томонидан яхши кутиб олинади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
НАМАНГАН САНОАТ-ТЕХНОЛОГИЯ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
1991—1992 ўқув йили учун Қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳунар-техника таълими ва техник фанлар; ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни бошқариш, машинасозлик технологияси, автомобиль хўжалиги, ҳисоблаш техникаси ва автоматлашган системаларни программа билан таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, консервалаш технологияси, саноат ва фуқаро қурилиши.

Олий билимгоҳ техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари, халқ хўжалигининг машинасозлик, қурилиш, автотранспорт, озиқ-овқат ва бошқа тармоқлари учун муҳандис-педагоглар, муҳандислар ва иқтисодчилар тайёрлайди.

АРИЗАЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 25 ИЮНДАН 15 ИЮЛГАЧА, СИРТҚИ БЎЛИМГА 1 ИЮЛДАН 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Олий билимгоҳга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, 3х4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат илова қилинади.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Олий билимгоҳга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

ҳунар-техника таълими ва техник фанлар (ҳисоблаш техникаси ихтисослигидан ташқари), машинасозлик технологияси, автомобиль хўжалиги, саноат ва фуқаро қурилиши мутахассисликларига — математика (ёзма), физика (ёзма), она тили (ёзма);

ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни бошқариш, ҳисоблаш техникаси ва автоматлашган системаларни программа билан таъминлаш мутахассисликларига ҳамда ҳунар-техника таълими ва техник фанлар мутахассислигининг ҳисоблаш техникаси ихтисослигига — математика (ёзма), информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (оғзаки), она тили (ёзма).

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, консервалаш технологияси мутахассисликларига кимё (ёзма), физика (ёзма), она тили (ёзма).

Бир хил балл тўплаган абитуриентларни ўқишга қабул қилишда халқ таълими органлари, корхона ва ташкилотларнинг йўлланмалари инобатга олинади.

Имтиҳон кундузги бўлимда 16 июлдан 30 июлга қадар, сиртқи бўлимда эса 1 августдан 25 августгача 2 навбатда ўтказилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бошқа вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 716003, Наманган шаҳри, Дўстлик проспекти, 12-уй.

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги

ТУГАТИЛДИ

Даъволар — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони кўчаси, 5-уй.

Маълумотлар олиш учун телефон 39-15-50.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тилшунослик илмгоҳи маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари илмий ходим Н. Ҳўжаевга отаси

Наби ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси нашриётнинг собиқ ходими Р. Р. Абдураҳмоновга онаси

Турсунбуви АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ҲУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5561.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 01.10.

№ 112. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12